

БИЗНЕСДА МОЛИЯВИЙ РИСКЛАР ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ.

Шахзодбек Рустамович

Аннотация: Мақолада корхоналарида молиявий риск менежменти тизимининг ҳозирги замон хусусиятлари ва муаммолари корпоратив молиявий менежмент нуқтаи-назаридан кўриб чиқилган. Рақобатли бозор иқтисодиётiga ўтиши жараёнларини тезлаштириши ва иқтисодиётда хусусий секторни жадал ривожлантириши устуворлиги кичик бизнес корхоналарида молиявий риск-менежменти тизимини такомиллаштиришининг концептуал асосларини яратишни талаб этади.

Калит сўзлар: бизнес, хусусий сектор, корпоратив молия, бизнес молияси, молияни бошқарши, молиявий менежмент, молиявий риск, менежмент, инқиroz.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳатларни чукурлаштиришда давлат молияси ва унинг таркибий қисми бўлган молиявий riskлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ва уларнинг молиявий операциялари бевосита турли riskлар билан боғлиқдир. Давлат, корхона ва ташкилотлар, тижорат банклари, суғурта компаниялар фаолиятида бир - бирлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш вақтида вужудга келадиган riskлар даражаси муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли хўжалик юритувчи субъектлар бирон бир субъект билан иқтисодий алоқа ўрнатишдан олдин энг аввало бу субъект фаолиятидаги riskли ҳолатларни ўрганишга интилади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришни комплекс қўллаб-қувватлашнинг «узлуксиз занжирини» яратиш бўйича тизимили ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг янги технология ва инновацияларга асосланган, сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи бўғини бўлган ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш босқичма босқич йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-193 сонли фармонида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларни комплекс қўллаб-қувватлашга қаратилган қорор имзоланган¹.

Бизнеснинг иқтисодиётдаги тегишли ўрни ва аҳамиятини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Охири 5 йилда кўрилган чора-тадбирлар туфайли

Жаҳон банки ва “Бизнес юритиш” халқаро молия корпорацияси рейтингида Ўзбекистон жаҳоннинг 190 та мамлакати орасида 146-ўриндан 76-ўринга кўтарилиди.

Аксарият корхоналар ўзларининг етарли молиявий ресурсларига эга эмаслар ва қарз ресурсларидан фойдаланиш имконияти чекланган. Инқироз туфайли ёки ўзларининг самарасиз бошқаруви натижасида оғир молиявий аҳволга тушиб қолган йирик корхоналар давлатнинг тезкор ёрдамига таяниши мумкин бўлса, кичик корхоналар бунга эриша олмайди. Бу молиявий риск даражасини кескин оширади ва нафақат вақтингчалик молиявий қийинчиликларга ва ҳатто банкротликка ҳам олиб келади. Кичик корхоналарда молиявий рискларни бошқаришни жорий этиш корхонанинг барча масалаларини ҳал этиши, корхона активлари ва пассивларини оқилона бошқаришга, молиявий рискларни камайтиришга, молиявий ресурсларнинг этарли миқдорда шаклланишини таъминлашга ёрдам бериши керак. Сўнгги пайтларда молиявий рискларни бошқариш кутилаётган даромад ва риск ўртасидаги мувозанатни ўрнатиш ва сақлашнинг муҳим усулига айланди

Молиявий менежментда молиявий рискларни бошқариш иқтисод фанининг икки йўналиши кесишмасида шаклланади: молиявий менежмент ва рискларни бошқариш, молиявий воситалар ва усуллар мажмуасини бирлаштиради. Молиявий менежмент доирасида рискларни бошқаришни ажратиб кўрсатиш зарурати тадбиркорларнинг ташқи ва ички бизнес муҳитидаги ноаниқлик шароитида молиявий менежментни такомиллаштириш зарурлигини тушуниши билан боғлиқ ҳолда шаклланди.

Молиявий риск-менежмент қисқа вақт ичida корхонани риск шароитида ишлашга мослаштириш, молиявий барқарорликни таъминлаш ва банкротликка олиб келмасдан, ўзгараётган қонун ҳужжатлари ва бошқа экологик шароитларга мувофиқ молиявий-хўжалик фаолиятини ўзгартириш имконини беради. У корхонанинг пул маблағлари қийматини оптималлаштиради ва пул маблағларини тақрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи маблағлар, капитал, уни шакллантириш манбалари ва фаолиятининг айрим соҳаларида юзага келадиган эҳтиёжларнинг умумий баҳосига мос келишини таъминлайди.

Шундай қилиб, корхоналарида молиявий риск-менежмент молиявий рисклар даражасини ва уларни келтириб чиқарувчи омилларни таҳлил қилишга қаратилган чора-тадбирлар тизими бўлиб, улар асосида молия ресурслари ва капитални бошқариш сиёсати молиявий барқарорликни, ликвидлиликни ва фаолиятнинг рентабеллигини ошириш мақсадида молиявий рискларни камайтиришнинг молиявий воситалари ва усулларидан фойдаланиш орқали шакллантирилади. Рискларни бошқариш энди молиявий менежментнинг ажралмас ва муҳим қисмига айланди².

Риск, чама, ҳодиса, рақобат – бизнеснинг доимий ҳамроҳлари. Баъзилар ишга сармоя киритиш билан, бошқалар эса – ўз мулки билан риск қиласи, бу ерда муайян рискка нафақат йўл қўйиш мумкин, балки у зарурийдир. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи одамлар юкори хўжалик ва тижорат риски шароитида объектив фаолият кўрсатади, чунки улар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, муайян маҳсулотни сотиш учун мустақил равишда қўшимча харажатлар қилишга мажбур. Рискнинг ҳимоя функцияси шунда намоён бўладики, агар тадбиркор учун риск табиий ҳолат бўлса, у ҳолда муваффақиятсизликка сабр билан муносабатда бўлиш ҳам нормал ҳолат саналиши керак. Ташаббускор, улдабурон хўжалик раҳбарларига муваффақиятсизлик ҳолатида жазони истисно этувчи ва ўринли рискни рағбатлантирувчи ижтимоий ҳимоя, хуқукий, сиёсий ва иқтисодий кафолатлар керак. Тадбиркор эҳтимолий хато (риск) на унинг ишига, на обрўсига путур етказа олмаслигига ишончи комил бўлиши керак, чунки бу гарчи чамаланганд бўлсада, ўзини оқламаган риск оқибатида юз берган бўлади. Тадбиркорлик рискининг мавжудлиги – бу, моҳиятан, иқтисодий эркинликнинг орқа тарафидир, яъни, унинг учун ўзига хос товон. Бир тадбиркорнинг эркинлиги айни вақтнинг ўзида бошқа тадбиркорлар ҳам шундай эркинликка эга эканлигини англаатади, ўз навбатида, мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланиши билан ноаниқлик ва тадбиркорлик риски қучайиб боради. Тадбиркорлик фаолиятида келгуси ноаниқликни бартараф этишнинг имкони йўқ, чунки у объектив воқелик унсури ҳисобланади. Риск мавжудлиги мумкин бўлган қарор вариантидан бирини танлаш заруратини тақозо этади, шунга боғлиқ равиша, қарор қабул қилувчи шахс қарор қабул қилиш жараёнида барча эҳтимолий муқобилларни таҳлил қилиб, энг рентабелли ва энг кам рискли вариантни танлайди. Риск вазиятининг аниқ мазмунига боғлиқ равиша, муқобиллик турли даражадаги мураккабликка эга бўлади. Шунинг учун мураккаб иқтисодий вазиятларда оптимал қарорни танлаш учун маҳсус таҳлил методларидан фойдаланилади. Ўз навбатида, тадбиркорлик рискининг аналитик функциясини ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ноаниқлилик, бу албатта ноаниқ, яъни кутилмаган ҳолатлар билан боғлиқ. Унинг юзага келиш ва тус олиш шакли ноаниқ бўлиб қолаверади. Ўтган асрнинг 20 йилларида Ф.Найт биринчилардан бўлиб «Даромад доим ноаниқлилик билан боғлиқ» деган фикрни олға суради. Жумладан рискка қуидагича таъриф беради: «Риск ва ноаниқлилик категорияси иқтисодий муносабатларда катта роль ўйнайди. Хўжалик фаолиятининг ажралмас қисми бўлган ноаниқлилик барча мураккаб ва муҳим иқтисодий ҳодисаларнинг асосида ётади. Ноаниқлилик моҳияти рискда намоён бўлади»³. П.Самуэлсон эса, қуидагиларни таъкидлаган: «Ноаниқлилик қарама-қаршиликлар натижасида келиб чиқади, яъни инсонлар нималарни кутмоқдалару, нималар содир бўлмоқда, бунинг

натижаси эса фойда ёки заарда намоён бўлади»⁴. Самарали ташкил қилинган бозор иқтисодиётида маҳсулот ишлаб чиқариш кам харажат қилиш билан, унинг тақсимоти эса бозор талабига асосан амалга оширилади. Рақобат корхоналарнинг харажатларини иложи борича минимум даражагача камайтиришга, товарлар ишлаб чиқаришни стратегик режалаштиришга ва фақат бозор талабига мос келувчи товарлар ишлаб чиқаришга мажбур қиласи. Маълумки, фақат иқтисодий эркинлик, мулкчилик хуқуқи, рақобат ва бошқа бозор атрибулари мавжуд бўлган ҳолда иқтисодиёт самарали бўлиши мумкин.

Риск иқтисодий фаолиятнинг энг асосий элементларидан бири ҳисобланиб, у кенг маънога эга бўлган кўп қиррали тушунча саналади. Шунинг учун иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигига эришиш, унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун иқтисодиётдаги мавжуд рисклар, уларнинг иқтисодий фаолиятга таъсир қилиш томонларини чукур ўрганиб чиқиш зарур.

Иқтисодиётнинг табақалашган даражасида рискларни қуидагича таърифлаш мумкин:

- иқтисодий риск;
- ижтимоий-сиёсий риск;
- фискал-монетар риск.

Иқтисодий риск деганда, умумий йирик тизим ва унинг таркиби ривожланишида, шу жумладан, агар бундай тизимнинг умуниқтисодий мувозанатини ва унинг ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатини жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотни чиқариш орқали ўрнатиш мақсади қўйилган бўлса, у ҳолда ишлаб чиқариш шаклларини оқилона уйғунлашувини танлашда юзага келадиган рисклар мажмуи тушунилади, бу эса давлатнинг антитиклик усуллар ва бошқалардан фойдаланиб самарали чора-тадбирлар ўтказишини тақозо қиласи.

Ижтимоий-сиёсий риск деганда, умуман йирик тизим ва унинг таркиби ривожланишида, шу жумладан, давлатнинг нархни шакллантириш сиёсатига, шунингдек, мулк ва интеллектуал бойлик жамғармаларининг манбаларини:

- аҳолининг барча гуруҳини умумий тавсифдаги рисклардан ижтимоий ҳимояни таъминлашга;

- даромадларнинг адолатли тақсимланишига;
- ишсизликни қисқартиришга;
- таклиф ёки талабнинг жисмоний ҳажмларини нарх ва бошқалар орқали тартибга солишга сафарбар этиш ва жамлаш бўйича масалаларни ечишга аралашувида юзага келадиган рисклар мажмуи тушунилади.

Сиёсий риск - бу корхоналар ва ташкилотлар фаолиятига сиёсий аҳволдаги ўзгаришлар таъсиридир, бунга чегараларнинг бекилиши, бошқа давлатларга маҳсулот, хомашё олиб чиқиш тақиқланиши ва аксинча бошқа давлатлардан

маҳсулот, хомашё олиб кирилишининг таъқиқланиши. Фискал-монетар риск давлат ўтказаётган молиявий ва бюджет сиёсати ёрдамида, нархлар даражасини барқарорлаштириш ва оптимал солиқ меъёрларини, пул массасининг таъминоти ва конъюнктурасини тартибга солиш бўйича Марказий банкнинг самарали аралашуви ва бошқалар орқали йириқ, мураккаб тизимлар барқарорлиги ва иқтисодий ўсишини таъминлаш бўйича масалаларни ечишда юзага келадиган рисклар мажмуудан иборат. Тармоқлар риски ҳам мавжуд бўлиб, у маълум бир тармоқнинг иқтисодий-молиявий фаолиятидаги бошқа тармоқларга нисбатан ўзгариб туриш даражаси билан тўғридан тўғри боғлиқдир⁵.

Бизнес юритишида ўзига яраша хавф-хатар (риск)лар мавжуд ва уларни катта моддий йўқотишлиарга олиб келиши мумкин бўлган ёқимсиз, салбий ҳодисалар деб таърифлаш мумкин. Улар обрўга, молиявий ҳолатга таъсир қилиши, солиқ, валюта, нарх-наво, бозор ва бошқа жабҳалар орқали бизнесга путур етказиши мумкин.

Бизнес катталашиб, мураккаблашиб боргани сари рискларни бошқариш ҳам қийинлашиб боради, хавф-хатарлар салмоқли ва улар етказиши мумкин бўлган заарнинг юки ҳам оғирлашиб боради.

Мерфи қонунига кўра, нотўғри кетиши мумкин бўлган ҳар қандай нарса, қачондир барибир изидан чиқади. Хавф-хатар табиатига кўра, агар у бошқарилмаса, захарли газ каби барча бўш худудни эгаллаб олади. Хавф-хатарни бошқариш орқага сурилгани сари, худди содир бўлиш эҳтимоли ўсиб боргани каби, унинг салбий оқибатлари фақат кучайиб боради. Шундай экан, ташкилот эгалари ва раҳбарлари олдида хавф-хатарларни, уларнинг содир бўлиш эҳтимолини, заар кўламини аниқлаш ва уларни бошқариш усуллари ва воситаларини такомиллаштириб бориш бўйича узлуксиз фаолият олиб бориш талаб этилади. Бу жараён хавф-хатарни бошқариш ёки бизнес тилида риск-менежмент деб аталади.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши рискнинг иқтисодий категория сифатида юзага келишига ва субъектлар фаолиятида мустаҳкам ўрнашиб олишига имконият яратди. Шунинг учун ҳам рисклар бизни туну-кун, ҳар ер ва ҳар жойда ўраб келмоқда. У бизнинг ҳаётимизда ҳар доим ҳам қочиб бўлмайдиган ва ечиш лозим бўлган бир жараён бўлиб бирор-бир натижани юзага келишига асос бўлади. Бундай натижа салбий ва ижобий бўлиши мумкин. Рискнинг синоними сифатида биз ишончизликни, имкониятсизликни, бир воқеа бўлиш-бўлмаслигини олдиндан айтиб бера олмаслик кабиларни мисол қилиб кўрсатишимиш ҳам мумкин. Инсоният табиатан рисқдан қочишига интилади. Агар биз рискни назорат қила олмасак, одатда, ундан қочишига ҳаракат қиласиз. Чунки, ҳар қандай ишончсизлик ўзига хос тарзда маълум даражадаги ўқотишлиарга олиб келиши мумкин. Энди рискнинг туб моҳиятини кўриб

чиқадиган бўлсак, «риск» сўзи испанча - португалча сўздан олинган бўлиб, «сув остидаги қоя» деган маънони билдиради. Шунинг учун ҳам риск хавф түғдириш эҳтимоли мавжудлигини ифода қиласи. Таниқли луғатчи олим С.И.Ожегов ва Н.Й.Шеведованинг рус тили луғатида «риск» бу «муваффақиятга интилиш, баҳтли ҳодиса, умид» деган маънони англатади дейди⁶. В.Т.Севрук «риск – бу зарар кўриш ёки манфаатни қўлдан чиқариш билан боғлиқ эҳтимоллар ўлчамидир» деган таъриф беради⁷.

Професор В.М.Усоскин «Риск доимо ноаниқлик билан бирга келиб, охирги ўз навбатида олдиндан қўра билиш қийин ёки мумкин бўлмаган воқеалар билан боғлиқ бўлади» деб изоҳлайди⁸. П.Г.Грабовой, С.Н.Петрова, С.И.Полтавцевларнинг «Риски в современном бизнесе» китобида «Риск - бу корхона ресурсларининг бир қисмини йўқотиш ёки даромад ололмаслик, қўшимча харажатлар қилиш хавфидир» деб таъриф берганлар⁹.

XXI аср технологиялар асли бўлгани сабабли, илмий-техник тараққиёт сайёрамиз бўйлаб қадам ташлаб, технология тобора ривожланиб, самаралироқ ва фойдаланувчилар учун қулайроқ бўлиб бормоқда. Шу билан бирга янги кўрсаткичлар тизими яратилиб, дастурий таъминотлар универсаллаштирилиб, мураккаблашмоқда. Бу жараёнда, молиявий рисклар таъсирини эътиборсиз қолдириш, молиявий натижаларга бевосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бизнес жараёнлари самарадорлигини риск остига қўйишини англатади. Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт ривожи ва инновацияларга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳам бу борада: “Рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқ, – дея таъкидладилар” Рақамлаштириш кучайиб бориши, рақамлаштирилган ахборот дастурларига бўлган талабни ортиради. Бундан ташқари, инновациялар янги турдаги молиявий рискларни ҳам келтириб чиқариши табиийдир. Доимий равища үзгариб турадиган кўп сонли молиявий рискларни бошқариш эса мураккаб жараён ҳисобланади.

Рақамлаштирилган тизимлардан фойдаланмасдан, молиявий рискларни тез ва аниқ баҳолаш, уларга вақтида жавоб бериш мумкин эмас. Бутун дунё корпоратив секторида молиявий рискларни бошқариш бўйича ихтисослаштирилган дастурий таъминот катта талабга эга. Демак, реал сектор корхоналарида молиявий рискларни бошқариш амалиётида қўйидаги муаммоларнинг мавжудлиги бу борада чуқур таҳлиллар олиб боришга ундади:

- Молиявий рискларни бошқариш механизмининг мавжуд эмаслиги;
- Реал сектор корхоналари бошқарув тузилмасидаги молиявий масалалар бўйича жавобгарнинг мавжуд эмаслиги;
- Молиявий бошқарувда рақамлаштирилган тизимлардан фойдаланиш кенг тарқалмаганлиги;

- Молиявий рисклар бўйича билим ва кўникмаларнинг камлиги ва бошқалар.

Рақамлаштирилган тизимларни молиявий ресурсларга киритиш ва рискларни бошқариш жараёнига бир нечта омиллар таъсир қиласи, улар орасида биринчидан, корхонанинг саноати ва қўлами, иккинчидан, ресурсларнинг умумий молиявий оқими, учинчидан, дастурий таъминот нархи ҳисобланади. Рақамлаштирилган тизимларни рискларни бошқариш жараёнига маслаҳат киритишида рискларни баҳолаш элементларини ўзаро таъсирга қўшилиши, консультация қилиш, қабул қилиш ва қарор қабул қилиш, хужжатларнинг хўжалик юритувчи субъект фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш ва мониторингини таъминлаш учун қуидаги асосий вазифаларни ҳал қилиш керак: рискларни баҳолаш, захираларни шакллантириш, тезкор бошқариш ва риск омилларини мониторинг қилиш. Молиявий рискларни рақамлаштирилган тарзда бошқариш тизимларини жорий этиш асосан суғурта компанияларида, валюта билан ишлайдиган компанияларда, шунингдек фаолияти юқори молиявий рисклар мавжудлиги билан боғлиқ бўлган корхоналарда амалга оширилади¹⁰.

Молиявий рискларни бошқаришда рақамлаштирилган тизимлардан фойдаланиш самарадорлиги борасида бир қанча илмий мақолаларда исботланган бўлиб, О.А. Паутова ва бошқалар кемасозлик корхонасида ишлаб чиқариш рискини бошқариш бўйича рақамлаштирилган тизимни жорий этиш хусусиятлари ва унинг фаолияти рисклилик ҳолатларини аниқ стимуляция қилиш, риск қилиш эҳтимоли ва оқибатларини баҳолаш, рискларни юқори аниқлик билан таҳлил қилиш имкониятини ёритган¹¹.

Бугунги кунда, мамлакатимизда ва бир қатор илмий тадқиқотларда хўжалик субъектларини қўллаб-куватлаш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш учун рақамли технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, “2017 — 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “ilm, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги¹² Президент фармони иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни кенг жорий қилиш йўналишида молияхўжалик фаолияти, маъмурий тартиботлар, ишлаб чиқариш, технологик ва бошқарув жараёнларида рақамли технологиялар ва автоматлаштирилган тизимларни яратиш тўғрисида тўхталган бўлса, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги¹³ фармонга кўра, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларидаги корхоналарда бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини

автоматлаштириш бўйича 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар жорий этилиши белгиланиб қўйилди. Шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторида рақамли технологияларни ривожлантириш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилиши белгиланди. Молиявий рискларни бошқариш рақамлаштирилган тизимини жорий этишнинг иккита варианти мавжуд: йирик корхоналарни бошқариш бўйича ахборот тизимининг бир қисми сифатида ихтисослашган модул ёки алоҳида тизим жорий этиш. Биринчи ҳолда, лойиҳанинг муддати молиявий риск бошқарув тизимининг ўзи амалга оширилиш вақти билан белгиланади, аммо натижада компания интеграл ечимни олади. Икkinchi ҳолда, корхонада қайси молиявий риск бошқарув тизими ишлатилишига боғлиқлик йўқ, лекин, қоида тариқасида, қўшимча интеграция ишлари талаб қилинади. Шунинг учун холдинг тузилишига эга бўлган, кўплаб бўлинмалари ўзларининг IT-инфратузилмаси ва турли хил молиявий риск бошқарув тизимларига эга бўлган компанияларга мустақил равишда молиявий рискларни бошқариш тизимини жорий этиш тавсия этилиши мумкин.

Молиявий рискларни бошқариш функцияларини амалга оширадиган жуда кўплаб тизимлар мавжуд. Улардан баъзилари молиявий рискларни бошқариш модулига эга лойиҳаларни бошқариш бўйича ахборот тизимлари, бошқалари режалаштириш тизимларига иловалар, ҳамда қўшимчалар ёки мустақил равишда молиявий рискларни бошқариш учун дастурий маҳсулотларни ташкил этади.

Рақамлаштирилган молиявий рискларни бошқариш тизими, аввало, бизнес жараёнларини моделлаштириш тизими билан бирлаштирилиши керак. Ушбу интеграция бизнес-жараёнларни ташкил этиш схемаларидағи ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни рақамли равишда назорат ва мониторинг жараёнларини рўйхатдан ўтказиш учун масъул бўлган рақамлаштирилган молиявий рискларни бошқариш тизимиға ўтказишга имкон беради. Шу билан бирга, моделлаштириш тизими билан интеграция қилиш мажбурий эмас, чунки бизнес жараёнлари анъанавий равишда норматив-хуқуқий ҳужжатлар шаклида олиб борилиши мумкин, шунингдек жараёнлар, молиявий рисклар ва бошқарув каталоги тўғридан-тўғри рақамлаштирилган молиявий рискларни бошқариш тизимида амалга оширилиши мумкин.

Рискларнинг мазмун-моҳиятини тадқиқ этиш, уларни олдиндан аниқлаш ва баҳолаш, уларнинг олдини олиш ёки пасайтириш чораларини кўриш барча иқтисодий корхоналар учун аҳамият касб этади. Шунга кўра, рискларни таҳлил қилишда уларни алоҳида хусусиятлари бўйича ажратиш ва ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш жуда муҳим саналади. Ҳар бир рискнинг ўзига хос хусусияти ва уларни баҳолаш, назорат, мониторинг ва унинг бошқариб туриш йўллари ва босқичлари бор. Рискнинг қандай йўл билан келиб чиққанлигини ва келиб чиқишида қандай хусусият ва омил етакчи бўлганлигини аниқлаш учун рисклар

умумий классификатисия қилинади. Бу классификация орқали корхона фаолиятида рискнинг пайдо бўлишининг барча қирраларини таҳлил қилиш ва ўрганиш мухим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. (<https://lex.uz/docs/6658633>)
2. (International Journal of Finance and Digitalization www.ijfd.uz ISSN: 2181-3957 Vol. 1 Issue 02, 2022 3 бет)
3. (Найт Ф. Риск, неопределенность и прибыль / пер. с англ. - М.: Дело, 2003.)
4. (Samuelson P. “Risk and Uncertainty: A Fallacy of Large Numbers”, Sciyentia, Vol. 98, No. 4, 1963.)
5. (Риск назарияси, молиявий рискларнинг мазмун-моҳияти ва таснифланиши 2009 йил 1-боб)
6. Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. – М.: ООО “А ТЕМП”, 2006.)
7. (Севрук В.Т. Банковские риски. М.: “Дело-ЛТД”, 2006)
8. (Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. - М.: ИПЦ "Вазар-Ферро", 1994)
9. (Грабовой П.Г., Петрова С.Н., Полтавцев С.И. Риски в современный бизнес. М.: “Аланс”, 2006.)
10. (Лопарева А. М. Бизнес-планирование: учебник для среднего профессионального образования. 3-е изд., М: Юрайт, 2020. 273 с.)
- 11.(О.А. Паутова, Т.А. Михеева, Е.Г. Бурмистров. Автоматизированная система управления производственными рисками на судостроительном предприятии. Архитектура и основы функционирования. Труды конгресса “Великие реки” Выпуск 7, 2018 г.)
12. <https://lex.uz/ru/docs/4751561?ONDATE=13.11.2020>
13. <https://lex.uz/docs/5030957>